

Ғийбатнинг гуноҳлиги ҳақида (5-қисм)



22:25 / 03.04.2018 4275

Насиҳат. Тобеъинлардан бири айтади: «Биз кўрган салафи солиҳлар, яъни саҳобалар ибодатни намозу рўзадагина эмас, балки одамларнинг обрўсидан тийилишда деб билар эдилар».^[1]

Изоҳ. Намоз ва рўза барча ибодатлар орасида энг афзали бўла туриб, саҳобалар ғийбатдан сақланишни улардан ҳам улуғроқ ибодат деб билишларининг бир неча сабаблари бор.

Биринчи сабаб. Намоз ва рўза ибодатларини тарк этган одам бирор банданинг ҳаққини поймол қилмайди. Ғийбат қилувчи эса Аллоҳ таолога исён қилиш билан бирга, банданинг ҳаққига ҳам тажовуз қилган ҳисобланади. Аллоҳ таолонинг ҳаққига тегишли маъсият ва гуноҳлар тавба билан афв этилади. Чунки Аллоҳ таоло Ўз бандаларига меҳрибонлик назари билан қарайдиган, ҳатто кофирга ҳам ризқ берадиган Ғафур ва

Раҳим Зотдир. Гуноҳкор банда гуноҳига афсус ва надомат қилган ҳолда Аллоҳнинг даргоҳига оҳу зорлар билан ёлворса, ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳ таоло унинг ҳолига раҳм қилиб, гуноҳларини кечади. Ғийбат қилувчи эса то ўша ғийбат қилинган киши уни кечирмагунича Аллоҳ таолога тавба қилишнинг ўзи билангина гуноҳдан пок бўла олмайди.

Иккинчи сабаб. Умуман олганда, ибодат қилишдан кўра гуноҳни тарк этишнинг фазли ортиқроқ туради, яъни ортиқча ибодат қилмаса ҳам, шариат қайтарган гуноҳлардан ўзини тиядиган киши кўп ибодат қилиб туриб, каттаю кичик гуноҳларга мубтало бўлиб юрадиган одамдан яхшироқдир. Бу умумий гуноҳларга тегишли гап. Ғийбат қилиш гуноҳларнинг орасида энг ёмони бўлгач, ундан сақланиш намозу рўзадан ҳам афзалроқ бўлмасинми? Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумодан: «Сизнинг наздингизда яхшиликлари ҳам, ёмонликлари ҳам кўп бўлган одам яхшироқми ёки яхшиликлари ҳам, ёмонликлари ҳам кам бўлган одамми?» дея сўралди. Шунда у киши: «Мен саломатликка ҳеч нарсани тенг кўрмайман, яъни инсоннинг яхшиликлари кўп бўлганидан кўра ёмонликлари кам бўлгани яхши», дедилар.^[2]

Учинчи сабаб. Табиби топилмайдиган бедаво дард энг оғир касаллик ҳисобланади. У кундан-кунга кучайиб кетаверади, ҳатто беморни ўлимгача олиб боради. Ғийбат ҳам табиби йўқ касалликдир, чунки гуноҳларнинг табиби бўлмиш олимларнинг ўзлари ҳам бу касалликка мубталодир. Ўзлари бу беморликка чалинган бўлсалар, бошқаларни қандай даволайдилар? Аммо намозу рўза бундай эмас. Уни тарк этишни уламоларнинг ўзлари ҳам ёмон деб биладилар, одамларни ҳам ундан огоҳлантирадилар.

Тўртинчи сабаб. Таъсир ва зарари бир одамга эмас, бошқаларга ҳам етадиган дардни, масалан, юқумли қичима касаллигини ҳамма ҳам ёмон касаллик деб ҳисоблайди. Худди шунингдек, ғийбатнинг зарари ҳам фақат гапирувчининг ўзида қолмайди, балки ғийбат қилинган кишига ҳам тегади, яъни унинг ҳам дили оғриб, ғийбатдан зарар кўради.

Бешинчи сабаб. Намоз ва рўзани тарк этиш қўлу оёқ ва шу каби аъзоларнинг гуноҳи, ғийбат эса тилнинг гуноҳидир. Шунинг учун тил гуноҳи бошқа аъзоларнинг гуноҳидан оғирроқ ҳисобланади.

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

[\[1\]](#) «Иҳёу улумид-дин».

[\[2\]](#) «Танбеҳул ғофилин».